

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Шу боисдан ҳам аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олинди, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Бунга қўшимча, жорий йил бошида барча туманлар шароитига кўра 5 та тоифага ажратилиб, табақалашган энгилликлар берилди. Буларнинг натижасида ўтган йили 1 миллион нафар, бу йил биринчи чоракда 210 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1 триллион 500 миллиард сўм субсидиялар ажратилган. "Ижтимоий ҳимоя реестри" орқали 2 миллион 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган ватандошларимиз моддий ёрдам билан қамраб олинди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўрин-

ларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифадир. Шу боис йиғилишда бу борада янги босқичга ўтиш, рағбат чораларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Охириги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингга қўпайди. Бу — битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафардан тадбиркорлар синфи шаклланди, дегани. Агар давлат бу тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватласа, жойларда бандликни ҳал қилиш имконияти ортади.

Масалан, аҳолини касб-хўнарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратилапти. Лекин бу маблағлар тадбиркор билан боғланмаган. Худди шундай, тадбиркор ҳам йилига катта харажат қилиб, ўзи учун минглаб мутахассис тайёрлашга мажбур. Лекин бунда давлат қўллаб-қувватлови йўқ.

— Бунинг бирдан-бир тўғри ечими — тадбиркорга шароит яратиб, улар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш. Бу орқали

ҳам бандликни таъминлаймиз, ҳам малакали мутахассис тайёрлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 1 июндан бошлаб "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастури амалга оширилиши маълум қилинди. Унда иштирок этиш ихтиёрий бўлади. Дастурга 2023-2024 йилда жами 1 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағлар ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдагидан паст фойзаларда ва узокроқ муддатни кредит берилади. Тадбиркорнинг "амалий мономарказ" ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Дастурда иштирок этадиган тадбиркорларга солиқлардан алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, камида 20 фойз камбағал оила аъзосини бир йил давомида иш билан таъминласа, мол-мулк ва ер солиқларидан озод қилинади. 5 миллион сўмгача иш ҳақи тўлаётган тадбиркорларга ижтимоий солиқ ставкаси 2 баравар камайтири-

лади. Камбағал оила аъзоси ҳам даромад солиғидан озод қилинади.

Шунингдек, солиқ ва божхона маъмуричилигида ҳам энгилликлар назарда тутилмоқда. Хусусан, бундай тадбиркорлар фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди. Уларга қўшилган қиймат солиғи ҳамда ортиқча тўланган солиқлар текширувсиз қайтариб берилади. Барча солиқлардан қарздорликни бир йилгача кечиктириб тўлаш имкони яратилади. Божхона расмийлаштирувида "яшил йўлак" тартиби қўлланилади.

Дастурга кирган тадбиркорларга инфратузилма, ер ва бино-иншоотлар билан таъминлашда қўшимча энгилликлар берилади. Масалан, ер ва бино-иншоотларни хусусийлаштиришда бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Қиймати 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳалар бўйича инфратузилма харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Йиғилишда ушбу янги тизим асосида жорий йилда 550 минг аҳолини ўқитиб, камбағаллик-

дан чиқариш мумкинлиги айтилди.

Маълумки, камбағалликни қисқартириш бўйича Хитойда тажриба катта. Ушбу тажриба асосида ҳар бир вилоятда камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланди. Бунда, камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, энергетика, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади. Энди ҳар йили тасдиқланадиган давлат инвестиция дастурлари ҳам шу асосда шакллантирилади.

Мутасаддиларга танлаб олинган 14 та туманни камбағалликдан чиқариш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари янги тизим асосидаги ишларни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ УМУМХАЛҚ САЙЛОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини мамлакатда президентлик ва парламент сайловлари муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади. Уларнинг яқунларида кўра, сайловчиларнинг кўпчилиги амалдаги Президент ва Республика иттифоқида овоз берган.

Овоз бериш натижалари қардош Туркия халқи Президент Режеп Таййип Эрдоған раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаётганидан далолат экани алоҳида таъкидланди.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлаш бўйича фаол ишларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎзА.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РЎЙХАТИ

Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йил 15 май куни аризаларнинг Марказий сайлов комиссиясига келиб тушиши навбатини инобатга олган ҳолда қуйидаги сиёсий партияларга жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ижозат берилди:

- Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1255-сон қарори);
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1256-сон қарори);
- Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1257-сон қарори);
- Ўзбекистон Экологик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1258-сон қарори);
- Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1259-сон қарори).

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ижозат бериш тўғрисидаги қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.

БИРОДАР АБДУРАИМОВ ВА ИГОРЬ ШКВИРИН ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбек футболининг афсоналари Биродар Абдураимов 80 ёшлик ва Игорь Шквирин 60 ёшлик юбилейларини нишонламоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармониға мувофиқ Биродар Абдураимов "Меҳнат шўхрати", Игорь Шквирин «Дўстлик» орденлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон футбол ассоциациясида Биродар Абдураимов ва Игорь Шквириннинг юбилейи муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов, ЎФА раҳбари Абдусалом Азизов, ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Аҳмад Икромов, қўшни давлатлардан ташриф буюрган футбол фахрийлари, яқин ва узок ўтмишдаги футболчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Футболчиларнинг жонқуярлариға давлат мукофотлари тантанали тарзда топширилди.

Йиғилишда ҳар икки футбол мутахассисининг билим ва тажрибаси мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ўзбек футболни анъаналарини шакллантириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш борасидаги хизматлари, миллий терма жамоалар учун истеъдодли футболчиларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшиб келлаётгани эътибор этилди.

Тўлиқ РЎЙИЕВ, ЎзА мухбири.

Фракцияларда

ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР БЎЛАДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага бериш шартномасининг аниқ таърифи ва унинг хусусиятлари, ушбу шартномавий му-

носабатларда шартнома объектини тасарруф этиш, гаровга қўйиш ва ундирувга қаратишга доир қонунлар назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижара ва лизинг муносабатларидаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга, шунингдек, ушбу соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари ушбу ҳужжатнинг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

2

САМАРҚАНД – ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БОҒЛАГАН МУҲИМ ҲАЛҚА



Мамлакатимизда юритилаётган очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат туфайли янги Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ўрни мустаҳкамланмоқда, халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолияти кучайиб бораётди. Айниқса, Евроосиё жуғрофисининг айрим минтақаларида беқарорлик, инқироз ва эҳтимолий геосиёсий "силкиниш"лар тобора кучайиб бораётган бир вақтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг дунё, минтақа ва айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларда барқарорлик ва фаровонликка асосланган ҳамкорликка интилиши, амалга ошираётган инсонпарварлик дипломатияси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бугун Ўзбекистон халқаро ва минтақавий анжуманлар, мулоқотлар ўтказиладиган муҳим ва марказий майдонга айланмоқда. Шу кунларда кўча ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) бошқарувчилар Кенгашининг йиғилиши ҳам шундан далолат. Асосий мавзуси иқтисодий барқарорлигига сармоя киритиш бўлган

2

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ — КЎЗ ЎНГИМИЗДА

МАМЛАКАТДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ФАОЛ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳангдир.

Таҳлил

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 2020 йилдаёқ бу борада алоҳида чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда иш ўринлари яратиш, мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мамла-



катда тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва аҳолининг кам таъминланган қатламга қўшимча ер майдонлари ажратиш, кичик

бизнесни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш каби тадбирлар кўзда тутилган. Айни жараёнда кейинги йиллар давомида камбағалликнинг юқори даражаси кузатилаётган Самарқанд,



Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида эътибор берилаётди.

2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг юқори даражадаги сиёсий форумида илк маротаба Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) доирасида ижтимоий-иқтисодий юксалишлар ва қатор муаммоларни ўз ичига олган биринчи Ихтиёрий миллий ҳисоботини тақдим қилган эди. Бинобарин, унда таъкидланганидек, Ўзбекистон 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича қатор мақсадларни белгилаб олган бўлиб, ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш баробарида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуман



15 май куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказида БМТ экспертлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида Ўзбекистоннинг иккинчи Ихтиёрий миллий ҳисоботи лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. — Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон БМТнинг юқори даражадаги форумида барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича иккинчи Ихтиёрий миллий ҳисоботи билан иштирок этади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Барқарор ривожланиш мақсадларини мониторинг қилиш ва инсон капитали бўлими бошлиғи Шухрат Шарипов. — Бу ҳисобот “Ижтимоий ҳимоя” ва “Иқтисодий фаровонлик” йўналишлари бўйича тажрибали экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган. Бундан ташқари, барча вазирликлар, идоралар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, кенг жамоатчилик фикрлари асосида шакллантирилиб, маъмомига етказилган. Бу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, БМТ форумида миллий мақсадларга эришиш йўлида барча давлатлар бир-бири билан тажриба алмашади. Баъзи ички масалалар қандай ҳал этилаётгани тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришишни янада тезлаштириш йўллари муҳокама қилинади. Форумда ривожланган давлатлар вакиллари, йирик банклар, халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этади ва улар ҳар битта мамлакатнинг тақдими-тига қараб, қўшимча халқаро ёрдам ажратishi масаласини кўриб чиқади. Албатта, Ўзбекистоннинг

барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича иккинчи Ихтиёрий миллий ҳисоботида халқаро ҳамжамият ва аҳоли тақлифлари инобатга олинган ва БРМ кўрсаткичларини ахшилаш йўлида ижобий тенденцияларга эришилмоқда. Хусусан, мактабга таълим қамрови 70 фоизга етказилди. 2019 — 2021 йилларда олий таълим муассасалари сони ва қабул квоталари қарийб 2 бараварга оширилди. ОТМларда таҳсил олаётган хотин-қизлар сони икки бараварга етказилди. Аҳоли (шу жумладан, кам таъминланган қатлам)ни шинам уй-жой билан таъминлаш бўйича 300 минг хонадор қамраб олинди ва яқна тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга оширилди. Ҳисоботда аҳоли фаровонлигини таъминлашни секинлаштирувчи омиллар, макроиқтисодий барқарорликка, мамлакатнинг озик-овқат, энергетика, технология, ахборот ва экологик хавфсизлигини таъминлашга маълум даражада салбий таъсир этувчи ташқи ва ички хатарлар ҳам алоҳида қайд этилган. Ҳисоботни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият учун эълон қилишдан қўзланган асосий мақсад — БРМга эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгайтириш, одамлар фикри ва тақлифлари асосида барча йўналишдаги ислохотларни янада такомиллаштиришдан иборатдир. Шу боис ҳам ҳисобот лойиҳаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда жамоатчиликка тақдим этилди. Тадбирда иштирокчилар ҳисобот лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ДАРОМАД СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, одамларни яхши даромад манбаи билан таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, инсонга эътибор ва ғамхўрлик қилиш энг асосий вазифалардан бирига айланди.

Акс садо

Аниқроқ айтсак, 2020 йилдан Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимизда камбағал қатлам мавжудлигининг тан олинishi соҳага доир сиёсатнинг дастлабки бурилиш нуқтаси бўлди. Ва бундан уч йил муқаддам ва масалада ёндашув ўзгарди. Ўша пайтда мамлакатда камбағаллар сони аҳолининг 12 — 15 фоизни ташкил этиши очик-ошкора айtilди. Тўғри, камбағалликни қисқартириш масаласи иқтисодиёт ривожига боғлиқ. Аммо назариядан ҳам, амалиётдан ҳам маълумки, биргичан иқтисодий ўсиш асосида камбағаллик билан курашиб бўлмайди. Бунинг учун давлат сиёсати даражасидаги жиддий саяё-ҳаракатлар асосида муайян чора-тадбир-

лар кўришни, аввало, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий дастурлар қабул қилиб, амалга ошириши тақозо этади. Шу сабабли, маъмурий ислохотлар доирасида бу соҳаларга масъул вазирлик ташкил қилиниб, барча ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилди. Қолаверса, юртимизда илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати жорий этилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликка 15 триллион сўм имтиёзли кредит ва субсидиялар, деҳқончилик учун 200 минг гектар ер ажратилган ҳолда, шу даврда 300 мингга яқин тадбиркорлик субъекти очилди, 20 мингга корхона фаолияти кенгайтирилди. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш

ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР БЎЛАДИ

Партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишшиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор тақлифлар беришди. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Шундан сўнг фракция аъзолари “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўйма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари фаолияти билан шуғулланганлик учун давлат божи ставкалари миқдорларини мақбуллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида унинг бугунги кунда долзарблигини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш бўйича асосли тақлифлар беришди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қўллаб-қувватлаш ташланди ва уларга мутасаддилар томонидан батафсил жавоблар олинди. Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Ўлчаш воситаларини қиёсладан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда бу борадаги давлат ташкилотларининг эксклюзив ҳуқуқларини бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида уни янада такомиллаштириш, пишшиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича ўз тақлифларини билдирди. Мунозаралардан кейин қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди. Йиғилишда кун тартибидagi набаътадаги масала — “Маъмурий жарималарни ижро этиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимча қилинди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, адвокатура институтини ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд иштини юритишнинг барча босқичида тарафларнинг тортишувчанлик принципи асосида ишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб, адвокатларнинг ўз профессионал фаолиятини бажаришлари учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилди. Шу билан бирга, адвокатура соҳасига ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, соҳанинг жозибадорлигини кўтариш орқали мамлакатимизда аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар салмоғини ошириш билан боғлиқ муаммолар ханузгача сақланиб қолмоқда. Ўшбу қонун лойиҳаси билан адвокатлик лицензиясини олишга имтинон топириш учун талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши талабининг бекор қилиниши олий таълим ташкилотлари битирувчи ҳуқуқшунослари орасида адвокатура соҳасига бўлган қизиқишнинг ошишига, соҳада кадрлар алмашинуви жараёнлари тез ва сифат жиҳат-

ликаси Қонунининг 31-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, адвокатура институтини ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд иштини юритишнинг барча босқичида тарафларнинг тортишувчанлик принципи асосида ишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб, адвокатларнинг ўз профессионал фаолиятини бажаришлари учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилди. Шу билан бирга, адвокатура соҳасига ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, соҳанинг жозибадорлигини кўтариш орқали мамлакатимизда аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар салмоғини ошириш билан боғлиқ муаммолар ханузгача сақланиб қолмоқда. Ўшбу қонун лойиҳаси билан адвокатлик лицензиясини олишга имтинон топириш учун талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши талабининг бекор қилиниши олий таълим ташкилотлари битирувчи ҳуқуқшунослари орасида адвокатура соҳасига бўлган қизиқишнинг ошишига, соҳада кадрлар алмашинуви жараёнлари тез ва сифат жиҳат-

Ўрганиш

МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР СЕНАТОРЛАР ЭЪТИБОРИДА

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари Президентимизнинг 2023 йил 8 февраль куни Тошкент шаҳридаги бир қатор муҳим лойиҳалар билан танишиш жараёнида берилган топшириқлари ижроси, муқобил энергетикани ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкорлигига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганимоқда. Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурхонов, унинг ўринбосари Т. Мадумаров маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда Яшнобод туманидаги бир қатор — “Тўйтепа”, “Ўқичи-Олмазор”, “Янгинур” ва “Жарбоши” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлашди. Ўрганиш жараёнида Тўйтепа маҳалласидаги 145-умумтаълим мактаби

моғини тортиш жараёнлари билан танишдилар, мутасаддиларга куриляётган объектларда сифатни таъминлаш юзасидан зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди. Ўрганиш жараёнида сенаторлар қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли вакиллари билан фикр алмашди, бунда одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсад қилинганга алоҳида урғу берилди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ВА ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ

Худудларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси Сенат аъзолари томонидан парламент назорати доирасида изчиллик билан ўрганиб келинмоқда. Бунда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш борасидаги лойиҳалар ижросига эътибор қаратилади. Мазкур жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда лойиҳалар ижроси учун масъул идора ва маҳалла ташкилотлар вакиллари ҳам жалб этилган. Хусусан, Сенат аъзоси М. Парпиев Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани ҳокимлиги масъуллари билан биргаликда тумандаги маҳаллаларда қайта тикланувчи энергия манбалари жорий этилиши ҳолати, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳалла инфратузилмаларини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар билан танишди. Маълум бўлишича, тумандаги “Конституция”, “Богсарой” ва “Шоҳжаҳон” маҳалла фуқаролар йиғинларида асфальт қопламалари ётқизил-

ган бўлса, Юнус Ражабий номли маҳалладаги Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида жойлашган 46-уйнинг қириш йўлагига бетон қопламасини ётқизиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, “Шоҳжаҳон” МФЙдаги Шоҳжаҳон кўчасида сикклик қувурини қайта янгилаш ишлари бошлаб юборилган. Ўрганишлар давомида туман мутасаддилари ва масъулларга маҳаллаларда белгиланган лойиҳаларни вақтида ва сифатли бажариши, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, бунда албатта, аҳоли фикрини инобатга олиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Амалиёт

ТОМОРҚАЧИЛИКДА ҚИЗИЛҚУМ ТАЖРИБАСИ

Жиззах вилоятининг Фориш туманида жойлашган “Қизилқум” МФЙда томорқачиликни ривожлантириш, аҳолини қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги илм-фан янгиликларидан хабардор қилиш, илгор хорижий ютуқларни кенг жорий этиш мақсадида кўргазмали амалий семинар бўлиб ўтди. Қизилқум номли маҳалла аҳолиси адирлик ва қумликлардан иборат худудда яшаш са-да, туманда ўз томорқаларидан самарали фойдаланиб, озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда илгор ҳисобланади. — Томорқадан самарали фойдаланиш оилалар фаровонлигини таъминлаш ҳамда бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан таъмин-

лашда муҳим роль ўйнайди, — дейди Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши масъул ҳодими Фахриддин Сунонов. — Бугунги семинардан қўзланган мақсад ҳам қишлоқ аҳолисини янада кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишини рағбатлантиришдан иборатдир. Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

